КУТУБХОНАСИ
Тадқиқотлар институти

2006 ЙИЛ, 30 МАРТ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 61 (10.618) Баҳоси эркин нархда

ДАВЛАТ ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Сеул, 29 март (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи мамлакатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими билан бошланди. Корея Республикаси Президентининг «Чонг Ва Дэ» қароргоҳида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Президентлар Ислом Каримов ва Но Му Хённинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Президентлар ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Но Му Хён ушбу ташрифга Корея томони катта аҳамият беришини, зеро корейс халқи ўзбекларнинг меҳмондўстлиги ва бағрикенглигини, азалий дўстликни юксак қадрлашини таъкидлади.

Ислом Каримов Сеул мулоқотлари 2005 йил май ойида Тошкентда ўтган олий даражадаги Ўзбекистон-Жанубий Корея музокараларининг мантиқий давоми эканлигини, учрашувларнинг узвийлиги эса ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш иштиёқи икки томонда ҳам кучлилигидан далолат беришини қайд этди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида Президентлар савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг ишончли иқтисодий шерикларидан эканлиги, ўзаро савдо ҳажми кун сайин ошиб бораётгани қайд этилди.

Айни пайтда ҳали ҳамкорлик кўламини кенгайтиришнинг барча имкониятлари тўлиқ ишга солинмагани, масалан, мамлакатларимиз нефть-газ, тўқимачилик, оғир ва енгил саноат, электроника ва юқори технологиялар соҳасидаги алоқаларни янги босқичга кўтариш учун улкан салоҳиятга эга эканлиги таъкидланди.

Музокарада ижтимоий соҳадаги муносабатлар ҳам таҳлил қилинди. Фан- таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, сайёҳлик каби соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Корея Республикаси ҳукумати ўртасида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт жамғармаси томонидан 30 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида битим, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида Ўзбекистон фуқароларини эркин ишга ёллаш тизими асосида Корея Республикасида иш билан таъминлаш тўғрисидаги меморандум имзоланди.

«Лотте» меҳмонхонасида ўзбекистонлик олий мартабали меҳмон шарафига Жанубий Кореянинг тўрт асосий иқтисодий ташкилоти - Саноатчилар Федерацияси, Савдо-саноат палатаси, Кичик ва ўрта бизнес Федерацияси ва Халқаро савдо уюшмаси номидан қабул маросими уюштирилди. Аслида бу тадбирни Ўзбекистон раҳбарининг етакчи корейс ишбилармонлари билан учрашуви дейиш мумкин. У икки мамлакат иш одамларининг алоқаларини янада фаоллаштириш масалаларининг муҳокамасига бағишланди.

Ушбу учрашув якунлари бўйича ҳам қатор икки томонлама ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Корея Республикаси Молия ва иқтисодиёт вазирлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Корея Республикаси Тижорат, саноат ва энергетика вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан Корея Республикаси Ахборот ва алоқа вазирлиги ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Корея Республикаси ҳукумати ўртасида 2006-2008 йилларга мўлжалланган маданий алоқалар дастури, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан Корея Республикаси Телерадиоэшиттириш тизими (KBS) ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан Корея Республикаси Халқаро савдо уюшмаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК билан Корея Саноат технологиялари институти ўртасида мутахассисларни ўқитиш ва ахборот алмашиш борасида идоралараро ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисида ҳамкорлик меморандуми, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Жанубий Корея Халқаро тараққиёт агентлиги ўртасида 850 минг АҚШ доллари ҳажмида техникавий ёрдам кўрсатиш тўғрисида аҳдлашув, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси билан Корея Республикаси Молия институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум, Хоразм Маъмун академияси билан Кёнгхи университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан Жанубий Кореянинг «Саломатлик ва тараққиёт учун» халқаро жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Тошкент давлат авиация институти билан Хансо университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Тошкент давлат кимё-технологиялар институти билан Хансо университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Президент Ислом Каримов «Хундай Моторс» компанияси раиси Чонг Монг Гуни қабул қилди. Мулоқот чоғида ушбу компания билан Ўзбекистон корхоналари ўртасида алоқа ўрнатиш ва ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон раҳбари Корея Республикаси Миллий ассамблеяси (парламенти) Спикери Ким Вон Ки билан учрашди. Суҳбат чоғида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Бектемир туманидаги 577-мактабгача тарбия муассасасида туман халқ таълими бўлими, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ўтказилган тадбир «Янги кун муборак — янги йил муборак!» деб номланди.

● **БУГУН** Ҳамза темир йўл касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган давра суҳбати ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишланди.

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги 179-мактабда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган «Миллий халқ ўйинлари» фестивалида «Халқлар дўстлиги», «Оқтепа», «Боғистон» маҳаллалари ёшлари иштирок этишди.

● **БУГУН** Авиасозлар маданият саройида Наврўз айёми муносабати билан «Варраклар сайли» тадбири ўтказилди.

● **БУГУН** Геннадий Красницкий номидаги стадионда Наврўз муносабати билан уюштирилган «Варраклар учириш» мусобақасида 7-14 ёшли болажонлар иштирок этишди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари, туман мудофаа ишлари бўлими ҳамкорликларида Чирчиқ шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм аскарлари билан учрашув уюштирилди.

● **КЕЧА** Миробод туман ҳокимлигида Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида маҳаллаларда яшовчи вояга етмаганлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, қаровсиз қолган болалар билан амалга ошириладиган ишлар масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Учтепа туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида фаоллар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида уюштирилган семинарда маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни яхшилаш чоралари ҳақида сўз борди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМА КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

29 МАРТ КУНИ ТОШКЕНТДА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ (МАТТ) КЕНГАШИНИНГ ОЛТИНЧИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон вакиллари Кенгашининг бултур Тошкентда бўлиб ўтган олдинги мажлиси қарорларининг бажарилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқдилар. МАТТнинг бугунги кундаги фаолияти, жумладан, унинг ижроия қўмитаси фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда ташкилий-кадрлар билан боғлиқ масалалар юзасидан қатор қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашига МАТТ 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузасининг лойиҳаси ҳамда «2007-2009 йилларда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш борасидаги ҳамкорлик бўйича Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг ҳамкорлик дастури» лойиҳаси маъқулланди.

МАТТ Кенгаши аъзолари жорий март ойида Ўзбекистон ҳудудида бўлиб ўтган ШҲТга аъзо давлатларнинг «Шарқ-антитеррор-2006» қўшма аксилтеррор машқлари якунларини муҳокама этдилар. Жорий йил иккинчи ярмида ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли идораларининг қўшма антитеррор машқларини ХХР ҳудудида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шунингдек, Хитой томонининг терроризмни молиялаштириш билан боғланган гиёванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши ҳаракат қилиш бўйича ШҲТ доирасида симпозиум ўтказиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди.

Кенгаш ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг антитеррор қўмитаси ўртасидаги меморандум лойиҳасини тайёрлаш вазифасини МАТТ Ижроия қўмитасига топширди.

МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2006 йил сентябрь ойида Тошкентда ўтказиш тўғрисидаги келишувга эришилди.

Мажлис ишининг якунлари юзасидан сўзлар экан, МАТТ Кенгаши раиси Мэн Хунвэй унинг юксак самарадорлигини қайд этган ҳолда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда, ШҲТга аъзо давлатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ва махсус хизматлари амалий ҳамкорлигини йўлга қўйишда Минтақавий аксилтеррор тузилманинг аҳамияти ўсиб бораётганини таъкидлади.

Олег ШАТУНОВСКИЙ «Жаҳон» АА

Болалар спорти

СПОРТ МАЖМУАСИ ҚАД РОСТЛАДИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЮРТИМИЗДА БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МИСЛИ КЎРИЛМАГАН КЎЛАМДАГИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Жаҳон андозалари даражасидаги спорт комплекслари, стадион, сув ҳавзалари ва турли тўгараклар-нинг нафақат пойтахтимизда, балки республикамизнинг узоқ ҳудудларида ҳам қурилиб фойдаланишга топширилиши фикримиз далилидир.

Куни кеча ана шундай хайрли ният Ҳамза туманидаги футболга ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчилари ва спортсевар ёшлар қалбини қувончга тўлдирди. Замонавий, ёруғ ва шинам, спорт жиҳозлари билан таъминланган янги спорт мажмуаси қисқа фурсатлар ичида Тошкент шаҳар ва туман ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ва саховатли ҳомийлар кўмагида 600 миллион сўм сарфланиб қад ростлади. Айни меҳр-оқибат ва эзгулик айёми — Наврўз байрамида фойдаланишга топширилган ушбу спорт мажмуида бир йўла 500 нафар ёшлар спортнинг гимнастика, регби, мини футбол ва катта футбол турлари билан шуғулланишларига барча шарт-шароитлар яратилган.

— Футболга ихтисослашган мактаб-интернатимизда 225 нафар болалар таълим-тарбия оладилар, — дейди ушбу мактаб-интернат директори Маъмуржон Саидқосимов. — Уларга 15 нафар ўқитувчи-мураббийлар, 3 нафар тренер-инструкторлар билим бериш билан бирга спортнинг барча сир-асроридан хабардор қилиб, майдонда тўп суришнинг завқи билан бирга машаққати, масъулияти ҳам борлигини тушунтириб иш олиб борадилар. Эндиликда атрофимизда жойлашган «Баҳор», «Сивец», Усмон Носир, «Мустақилликнинг 10 йиллиги» маҳаллаларининг болалари ҳам спорт комплексимизда ўзлари хоҳлаган спорт тури билан шуғулланишларига имконият яратилди.

Умида МАҲҚАМОВА

ХХІ АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамкорлигида «Фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш — қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш гарови: муаммо ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзуида семинар ўтказилди. Унда Олий Мажлис ҳар икки палатасининг аъзолари, мутасадди вазирлик, идора, муассасалар ходимлари, соҳа мутахассислари иштирок этишди.

● Миллий матбуот марказида Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Ўзбекистон ногиронлар жамияти ҳамкорлигида республикада ҳомийлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари мавзусида семинар ўтказилди.

● Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ижтимоий ҳамкорлик тўғрисидаги 2005-2007 йилларга режалаштирилган келишувнинг 2005 йилдаги ижроси масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасида 7-14 март кунлари Францияда ўтказилган ўзбек ярмаркаси ва бизнес форум натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти бакалаврлар учун «Тарихий манбаашунослик» ўқув қўлланмасини чоп этди.

● Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан қўмондон штаб ўқув машқлари ўтказилди. Ушбу ўқув машқлари баҳор фаслида кузатилиши эҳтимоли юқори бўлган сел, тошқин ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш ҳамда унинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган.

● Республика педиатрия илмий-текшириш институтида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда республика даволаш-профилактика муассасаларидан 250 дан ортиқ шифокор иштирок этди.

● Республика Байналмилал маданият марказида Россия Федерациясидан ташриф буюрган бир гуруҳ олимлар билан Ўзбекистон ва Россиянинг ижтимоий ҳамкорлигида миллатлар ва уларнинг ўрни мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● БМТ муқобил энергия манбааларини ривожлантириш ва фойдаланишнинг Ўзбекистондаги дастури вакиллари Сурхондарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси биноси томига 1600 куб метр сувни иситиб берадиган қуёш коллекторини ўрнатишди.

ЖАҲОНДА

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан Эроннинг ядро дастури атрофида юзага келган танглик бундан уч йил аввалги Ироқ сценарийси бўйича ривожланмайди, дея умид билдирди.

● Туркия Мудофаа саноати бошқармаси бошлиғи Мурод Баяр маълум қилишича, Анқара АҚШда тайёрланаётган Ф-35 авлодига мансуб Joint Strike Fighter русумли 100 та қирувчи самолёт сотиб олишни режалаштирган, дея хабар беради ушбу мамлакатнинг НТВ телеканали. Ушбу самолётлар Туркия ҳаво кучларидаги F-16 ва F-14 самолётлари ўрнини эгаллайди.

● Грузияда Ички ишлар вазирлиги вакиллари томонидан мамлакат Президенти маъмурияти ходими, давлат раҳбарининг маслаҳатчиси Симон Киладзе қўлга олинди. У ватанга хоинлик ва жосусликда айбланмоқда.

● Фаластин парламенти январдаги сайловда ғалаба қозонган ХАМАС радикал гуруҳи томонидан таклиф этилган Вазирлар Маҳкамаси таркиби ва ҳаракатлар режасини тасдиқлади. Янги ҳукумат бир неча кун ичида қасамёд қабул қилиши кутилмоқда.

● «ASN-News» агентлигининг хабар беришича, Мисрда «парранда гриппи»дан иккинчи одам ҳалок бўлди. 30 ёшли Фотима Муҳаммад Юсуф тўққиз кун бетобликдан кейин ҳаётдан кўз юмган. Аёлнинг касалликни товукдан таом тайёрлаш пайтида юқтирганлиги аниқланган.

● Сайёрамизнинг бир йўла уч қитъасида кеча одамлар қуёш тутилишига гувоҳ бўлдилар. Табиатнинг бундай ноёб ва ғаройиб ҳодисаси дастлаб Бразилияда, сўнгра Ғарбий Африка, Ливия ва Миср давлатларида ҳам кузатилди. Кейинчалик қуёш Туркия, Кавказ, Сибирь ва Монголияда тутилди. Бунга ҳаммаси бўлиб уч соат вақт кетди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 31 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, кечқурун қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-9, кундузи 21-23 даража иссиқ бўлади.

TOSHKENT SHAHAR UJMSH UYUSHMASI
UJMSHU
АССОЦИАЦИЯ ТСЖ г.ТАШКЕНТА

УЖМШ:

МЕНИНГ УЙИМ – МЕНИНГ МУЛКИМ

Қарор ва ижро

ОБОДЛИК КЎНГИЛДА БЎЛСИН

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2005 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛДАГИ «УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШНИ КЎЗДА ТУТГАН ҲОЛДА ЮНУСОБОД ТУМАНИДА УЙЛАР СОНИ ИХЧАМЛАШГАН УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ 112 ТАНИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА. УЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ФАОЛИЯТЛАРИ УЧУН КЎМАК БЕРИШДА ҲАМДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ЮҚОРИДАГИ ФАРМОН АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТУМАН УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ УЮШМАСИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА. БУ ҲАҚДА УЮШМА РАҲБАРИ ТЎЛҚИН ШУКУРОВ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ.

— Аввало, янги ширкатлар ташкил этилгач уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Уларнинг барчаси бошқарув идоралари билан таъминланиб, тўлиғича телефон тармоғига уланишига эришилди, жиҳозлар билан таъминланди. Уларга 10 та пайвандлаш ускунаси, 20 та сув тортиш дастгоҳи, 3 та мини трактор, 2 та прицеплар ҳам ажратилди.

Янги ташкил этилган ширкат раисларига услубий ёрдам бериш мақсадида уларнинг 61 нафари малака ошириш курсларида таҳсил олди. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбар ва ходимларига методологик ёрдам кўрсатиш, самарали иш услубларини ўргатиш, бухгалтерия ҳисоботларини юритишда, мулкдорлар олдида мавсумий ҳисоботлар беришларини йўлга қўйишларида ёрдам тариқасида семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Уларнинг самараси эса ширкатлар фаолиятида ўз аксини топмоқда.

Албатта, ширкатлардаги уйлар сонининг ихчамлашувидан кўзланган асосий мақсад кўп қаватли турар жой бинолари, уларнинг ён-атрофлари ҳолатига эътиборни кучайтириш, яшовчиларга қулайликлар яратиш, аҳоли оғирини енгил қилиш, мулкдорлик ҳиссини ошириш бўлиб, ана шу нарса тумонимиз ширкатлари фаолиятида ҳам аксини топди. Ширкатларга қарашли ҳудудларда уйлар кўркини бузаётган 1080 та ноқонуний қурилмалар тартибга келтирилди, 2452 та кириш йўлаклари ёритгичлар тикланган ҳолда таъмирдан чиқарилди, 1125 та йўлаклардаги ёғоч эшиклар металл эшиклар билан алмаштирилди, 123 та уйнинг муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланди. Шунингдек, ширкатларга томларни таъмирлаш учун 189,7 миллион сўмлик материал тарқатилиб, 52,7 минг квадрат метр том мукаммал, 124,4 минг квадрат метри эса жорий таъмирланди.

Йўлакларни таъмирлаш ишлари сифати ва самарадорлигини ошириш учун «Ишлаб чиқариш ва коммунал таъмирлаш» корхонаси қошида шпаклёвка қурилиш ашёси ишлаб чиқарилмоқда. Туман ҳудудидаги ноқонуний қурилган ва эгасиз деб топилган гаражлардан кўп қаватли уйларнинг йўлакларига темир эшиклар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Уюшмамизда аҳолидан келиб тушаётган ариза ва шикоятларни, таклифларни ўрганиш бўлими фаолият юритмоқда. Тушган аризаларнинг ижро муддати 10 кун этиб белгиланган. Ариза ва шикоятлар бўйича уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари жавобгарлигини ошириш мақсадида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Тумандаги мавжуд 1276 та кўп қаватли уйларнинг барчасида уйбоши ва 5248 та йўлакбошилар сайланган бўлиб, улар яшовчилар ва ширкат ҳамжиҳатлигини таъминлашда, умумий мулкни авайлаб-асрашда хонадон эгаларининг масъулиятини оширишда, қарздорликни камайтиришда, орасталик ишларини бажаришда энг яқин кўмакчилар ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида Юртбошимиз 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган устувор масалалардан бири бу уй-жой-коммунал хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш эканлигини таъкидлаб, ҳозирги кунда мамлакатимизда 2,5 мингта ширкатлар ташкил этилгани, бундан кўзланган асосий мақсад авваламбор ширкатларни ваколатга, зарур имтиёз ва преференцияларга эга бўлган уй-жой мулкдорларининг ҳақиқий ўзини ўзи бошқариш институтларига айлантиришдан иборатлигини айтиб ўтди.

Бундан тўғри хулоса чиқаришга интилаётган уюшма бошқаруви 2006 йилда ўз фаолият режасини ишлаб чиқди. Унга кўра кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш, ахборотлаштириш, маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш, коммунал соҳада бозор инфратузилмасини ривожлантириш, ширкатларда уйлар ҳажмини қисқартириш, уюшма аъзолари сафини кўпайтириш йўналишлари бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширади.

Жорий йилда кўп қаватли уйлар ҳолатини яхшилаш, аҳолига намунали хизматни ташкил этиш бўйича бажарадиган ишларимиз аниқ белгилаб олинган. Унга кўра 145 та уйда муҳандислик коммуникацияларини тубдан таъмирлаш ишлари бажарилади. 50 та уйнинг томи ҳам мукаммал таъмирланади. Жорий таъмирлаш хусусида тўхталадиган бўлсак, бу йил 2498 та металл эшиклар ўрнатиш, 2972 та кириш йўлаклари ёритгичларини тиклаган ҳолда таъмирлаш, 125 та лифт кабиналари, 15 та болалар майдончалари, 301200 метр квадрат томларни жорий таъмирдан чиқариш ниятимиз бор.

Шунингдек, ирригация тармоқлари тартибга келтирилади, ноқонуний қурилма ва ўровлар олиб ташланиб ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Ширкатларда иситиш мавсуми тугаши билан 2006-2007 йил куз-қиш мавсумига тараддуд бошлаб юборилади. Чунки эрта бошланган ҳаракат ўз самарасини бериши аниқ.

Энг асосийси эса ширкатлар ва уюшма ҳамкорлигида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз замирида коммунал соҳадаги ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим ҳисса қўшиш, кўп қаватли уйларда яшовчи ҳамшаҳарларимизга қулайлик яратиш баробарида, уларни ўз уйларини ўзлари сақлашлари, обод этишлари учун ҳамжиҳатликка ундаш мужассам. Ҳар бир кўп қаватли уйда яшовчи хонадон эгаси «Менинг уйим — менинг мулким» шиорига амал қилса, ҳудудлар обод, кўнгиллар шод бўлаверади. Аввало ободлик кўнгилда бўлсин.

Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди

ХОНАДОНИНГИЗДАГИ ОЗОДАЛИК, ШИНАМЛИК, ПОКИЗАЛИК ВА ТАРТИБ ҲОВЛИНГИЗГА КЎЧСА, УНДАН БАРЧА БИРДАЙ БАҲРАМАНД БЎЛСА ДИЛИНГИЗ ЯЙРАБ, КАЙФИЯТИНГИЗ КЎТАРИЛМАЙДИМИ? ХУСУСИЙ УЙЛАРДА БУ ЎЗ ЙЎЛИЧА, КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАР-ЖОЙЛАР АТРОФИДАГИ МАНА ШУНДАЙ КЎРКАМЛИККА ЭЪТИБОР КУЧАЯЁТГАНИГА, АЛБАТТА ЯШОВЧИЛАР БИЛАН УЛАР БИРЛАШГАН УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ҲАМЖИҲАТЛГИ САБАБ ДЕСАК, АСЛО МУБОЛАҒА ЭМАС.



Ширкат — ибрат

ЯШОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК, БОЛАЛАРГА ҚУВНОҚЛИК

Юнусобод туманидаги «Фарангиз-коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли уйларда истиқомат қилувчилар ўз уйлари ён-атрофини, кириш йўлакларини ҳобод этишга ҳаракат қилар экан, «Ўз уйим — ўзимнинг кўрким» шиорига амал қилишмоқда. Албатта, 54 та кўп қаватли уйлардан ташкил топган катта ширкат бир нечтага бўлинганда, янги ташкил топган «Фарангиз-коммунал»да яшовчи хонадон соҳиблари ўзларига яхши таниш, илгариги ширкатда уста бўлиб ишлаган Ирина Кислицинага ишонч билдиришди. Негаки, коммунал соҳада 13 йилдан зиёд фаолият кўрсатаётган Ирина ушбу уйларнинг ҳолатини ҳам, муаммосини ҳам, ечиш йўлларини ҳам яхши биларди.

— Яшовчилар ишонч билдиргандан кейин уни, албатта, оқлаш лозим, — дейди ширкат бошқаруви раиси Ирина Кислицина. — Аввало шуни таъкидлаш ҳам лозимки, уйлар сони ихчамлашгач уларга эътибор ҳам шунга яраша ортди. Шубҳасиз, уйларга қаратилган муҳим эътибор яшовчиларга яратиладиган қулайликларда аксини топади. Шу боис бўлса керак, ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўрган, қулайликдан баҳраманд бўлган хонадон эгалари онгида ҳам ўзгаришлар, ширкатга ишонч ортиши табиий. Бунинг учун эса, албатта ҳаракат зарур, ишлаш керак.

Ўтган бир йил давомида ширкатда анчагина ўзгаришлар кўзга ташландики, бу 11 та кўп қаватли турар жой биносидаги 488 та хонадон аҳлини қувонтирибгина қолмай, жипслаштирди, айрим юмушларни ҳашар йўли билан бажаришга ҳам ундади.

— Шуни мамнуният билан айтиш лозимки, — дейди ширкат бошқаруви раиси, — ижобий ўзгаришлар ширкат ходимларини ҳам, яшовчиларни ҳам руҳлантирмоқда. Барчага маълум, ширкатнинг бир нечта ходими билан режадаги барча ишларни амалга ошириш мушкул. Бунинг учун аҳолининг кўмаги, қўллаб-қувватлаши ниҳоятда керак. Энг муҳими эса яшовчиларнинг умумий мулкни асрашда, сақлашда, таъмирлашда эътиборли бўлиши, мулкдорлик ҳиссини намоён этишидадир. Янги ширкат ташкил этилган биринчи кундан бошлаб кириш йўлакларига эътибор қаратилди, яъни 45 та йўлак таъмирланди, металл эшиклар ўрнатилди. Уйлар атрофидаги йўлаклар, ирригация шохобчалари, ертўлалар тозаланди. Аҳолини иссиқ ва совуқ сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 9 та иситиш тизимида профилактик таъмирлаш ишлари адо этилди, 1,5 минг квадрат метр том таъмирдан чиқарилди. Шу ўринда 2 та уйнинг тубдан таъмирланганини ҳам алоҳида айтиш жоиз.



Ўтган йилда экилган гул ва дарахт ниҳоллари парваришига эътибор қаратилган ҳолда куни кеча Наврўз байрами арафасида яна 30 туп дарахт кўчатлари ва турфа гуллар экилдики, улар ҳадемай бўй чўзиб, чирой очиб ҳудуд ободлигига ҳисса бўлади. Баҳор бошланиши билан ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушларида аҳоли фаоллиги ҳам ортиб бормоқда.



Ҳар бир уйдан сайланган уйбоши ва йўлакбошилар ширкат ҳамда яшовчилар ҳамжиҳатлигини, фойдаланиш харажатлари тўловларини вақтида тўланишини таъминлашда, умумий мулкка муносабатни шакллантиришда энг яқин кўмакчилар саналишади. Айниқса, М.Маҳкамова, Г.Мусаева, Д.Мавлоновалар ўз вазифаларини сидқидилдан бажараётган уйбошилар сирасига киради. Шу кунларда эса йўлакбошилар билан ҳам шартномалар имзоланмоқда. Албатта, уйбоши ва йўлакбошилар билан тузилган шартномаларда улар учун имтиёзлар ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, ширкат муваффақиятини таъминлашда туман ҳокимияти, туман уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, «Чинор» маҳалласи билан ҳамкорлик ҳам самара бермоқда. Энг асосийси эса, кейинги кунларда яшовчилар ўзлари англаган ҳолда тўловларни бажармоқда. Шу боис ҳам ширкатда қарздорлар йўқ ҳисоби.

Кузги-қишки мавсумни муваффақиятли ўтказган ширкатда жорий йил режалари ҳам белгилаб олинди. Эрта бошланган ҳаракат самара беришини кўзда тутган жамоа аҳли бугундан режаларни белгилаб олишди. Яна 2 та — 40- ва 31-уйлар капитал таъмирланади, болалар учун яна бир ўйин майдончаси бунёд этилади. Хуллас, режалардан кўзланган энг асосий мақсад — аҳолига қулайлик, болажонларга қувонч улашиш, уйларга кўркамлик бахш этишдир. Ана шундай мақсадларга эса ҳамжиҳатликда эришилади.

Шарофат БАҲРОМОВА

СУРАТЛАРДА: ширкат раиси Ирина Кислицина яшовчилар даврасида; пайвандчи Магомед Штанчаев ўз ишини пухта адо этади; ширкат уйлари атрофи мана шундай обод.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

МАЪЛУМОТЛАР

- Юнусобод туманида 112 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият кўрсатмоқда.
- Кўп қаватли уйларнинг 1125 та йўлакларидаги ёғоч эшиклар металл эшикларга алмаштирилди.
- 123 та кўп қаватли уйларда муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланиб, бунинг учун 2,1 миллиард сўм сарфланди.
- Мавжуд 1276 та кўп қаватли турар жой биноларида уйбоши ва 5248 та йўлакбошилар сайланган.
- Жорий йилда режага кўра 145 та кўп қаватли уйларда муҳандислик коммуникациясини тубдан таъмирлаш кўзда тутилган.
- 50 та кўп қаватли уйларнинг томлари 2006 йилда тубдан таъмирланади, кириш йўлакларига 2498 та металл эшиклар ўрнатилади.
- Туман уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси қошида «Юнусобод таъмир» шўъба корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Сўранг, жавоб берамиз

УМУМИЙ МОЛ-МУЛК ҚАНДАЙ САҚЛАНАДИ ВА ТАЪМИРЛАНАДИ?

Ойдин КОМИЛОВА, Шайхонтоҳур тумани.

Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддасида бу ҳақда қуйидагилар кўрсатилган:

«Ширкат аъзоси умумий мол-мулкини сақлаш ва таъмирлаш бўйича харажатларда уйнинг умумий майдонидаги ўзига тегишли бўлган квартира майдони улушига мутаносиб тарзда иштирок этади. Мулкдор ўзига тегишли хоналардан фойдаланмаганлиги ёхуд умумий мол-мулкка эгалик қилишдан, ундан фойдаланишдан воз кечганлиги уни умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлашга доир умумий харажатларда иштирок этишдан бутунлай ёки қисман озод этиш учун асос бўла олмайди».

Иқтисодиёт

ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР

ШАҲРИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН «GALLANT SERVIS» ХУСУСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ МАҲСУЛОТЛАРИ АЙНИ ХАРИДОРГИРЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Корхона тадбиркорларининг сайъ-ҳаракатлари туфайли кейинги йилларда хорижий ҳамкорлар билан узвий алоқа йўлга қўйилди, малакали мутахассислар кўмагида кўзланган мақсад сари дадил одимланмоқда.

— Жаҳонда тўқимачилик соҳасида етакчи ҳисобланган турк ҳамкорларнинг иш тажрибаларини чуқур ўрганиш асносида, — дейди корхонанинг тажрибали раҳбари Раҳима Каримова, — айниқса моҳир дизайнчиларнинг меҳнатларига суяниб, йилдан йилга маҳсулотларимизнинг харидоргир турларини кўпайтирмоқдамиз. Қўли гул чеварларимиз, уста бичиқчиларимиз меҳнатлари самарали бўлмоқда. Ҳозирги кунда хом ашё Туркия давлатидан келтирилиб, замонавий тикиш-бичиш дастгоҳ-ускуналари кўмагида мавсумбоп ётоқ кийимларини ички бозоримизга тайёрламоқдамиз.

Корхонада тайёрланган 20 хилдан ортиқ мавсумий маҳсулотлар барча харидорларга ҳам манзур бўлмоқда. Жорий йилда корхона тадбиркорлари маҳсулотларини экспорт қилишни ҳам режалаганлар.

КИЧИК ДАСТГОҲЛАР УСТАСИ

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙИБ БОРАЁТГАНИ ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН УЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ТУФАЙЛИ ЭКАНЛИГИ БУГУНГИ КУНДА ҲЕЧ КИМГА СИР ЭМАС.

Қўли гул ихтирочи уста, янгиликка ўчлиги, бетиним изланиши билан нафақат ўзи фаолият юритаётган Мирзо Улуғбек туманидаги, балки, республикамиз, ҳатто Қозоғистон, Тожикистон давлатларидаги харидорларга ҳам яхши таниш. У 6 йиллик иш фаолияти давомида буюртмага асосан ёғоч ва мармарга ишлов беришга мўлжалланган кичик ускуна, дастгоҳлар тайёрлаш билан бирга, уларни доимий мукаммаллаштириш устида ҳам бош қотиради.

Хусусий тадбиркор Александр Ермолаевнинг сифатли, ишлатишда осон ҳамда жуда қулай ҳисобланган, нархи нисбатан арзон бўлган асбобларидан кўплаб иш бошлаётган ёш тадбиркорлар самарали фойдаланаётгани қувонарли ҳолдир.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Санъат

УЙ-МУЗЕЙ НАШРИ

МУХТОР АШРАФИЙ УЙ-МУЗЕЙИ МУСИҚА САНЪАТИГА ДОИР ТУРЛИ ТЎПЛАМЛАРНИ БОСМАГА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН ҲАМ ШУҒУЛЛАНМОҚДА. БУ ДАРГОҲ ХОДИМЛАРИ ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАРИ БИЛАН «ЎЗБЕКИСТОННИНГ КАТТА ТЕАТРИ» ДЕГАН КИТОБ ЧОП ЭТИЛДИ.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрига бағишланган бу янги нашр ўз мазмуни ва мундарижаси билан ҳам ўқувчи эътиборини ўзига тортади. Зеро, атоқли бастакор Мухтор Ашрафий бу санъат кошонаси билан яқин ижодий ҳамкорликда фаолият кўрсатган эди. Унинг «Дилором» операси, «Севги тумори» балети каби қатор асарлари шу театр репертуаридан ўрин олди.

Янги тўпламни босмага тайёрлашда уй-музейдаги қатор экспонатлардан ҳам фойдаланилди.

ТАЖРИБА-НАМУНАВИЙ ПОСТАНОВКА

ТОШКЕНТДАГИ «ИЛҲОМ» ТЕАТРИ АКТЁРЛАРИ ИЗЛАНИШЛАРИ БИЛАН ҚАТОР ТОМОШАЛАР САҲНА ЮЗИНИ КЎРМОҚДА. МУСИҚА АСАРЛАРИНИНГ ВИДЕО-АРТ ТАСВИРЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРИЛИШИ ҲАМ ЯНГИЧА ПОСТАНОВКА УЧУН АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛДИ.

Америкалик композитор Питер Адриан ёзган мусиқаларнинг бу саҳнавий талқини тажриба-намуна томоша янглиғ тақдим этилди. «Тўққиз карра 99», «Учлик концерти» каби мусиқалардан олинган лавҳалар ҳам янги томоша учун жозиба бахш этди.

Театр бундан кейин ҳам таниқли композиторлар асарлари асосида бундай қизиқарли томошаларни тайёрлашни ражалаштиради.

«БОҒ САЙЛИ» — НЕМИС ДИЁРИДА

«ТЕАТР — УРУШ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ» ДЕГАН ШИОР ОСТИДА ҚАТОР ПОСТАНОВКАЛАР ЮЗАГА КЕЛДИ. РЕСПУБЛИКА ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ ҲАМ ШУ ЛОЙИҲА БЎЙИЧА ЯНГИ СПЕКТАКЛНИ ТАЙЁРЛАШГА КИРИШДИ.

Машҳур испан драматурги Аравалининг «Боғ сайли» деган пьесаси шу яқин орада саҳна юзини кўради. Бу ижодий жараён Тошкентдаги Гёте институти кўмаги билан амалга оширилмоқда.

Ушбу институт ташаббус кўрсатиб, «Боғ сайли»ни немис диёрида кўрсатиш тадбири белгиланди.

Шунга кўра театрнинг Германияга қиладиган гастроли шу яқин орада бошланади. Ижодий сафар чоғида театр репертуарларидаги айрим асарлар ҳам намойиш қилинади.

Акбар АЛИЕВ

Ёш авлод кенгаши сессияси

Ўзбекистон Ёш авлод кенгашининг саккизинчи сессиясида болаларга таълим бериш, уларнинг соғлиғини яхшилаш ва ёшлар салоҳиятини ривожлантириш учун энг яхши шароитларни яратишда бевосита уларнинг ҳам иштирокини фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинади. Унда мамлакатимизнинг барча вилоят ва туманларидан келган 200 нафарга яқин вакил иштирок этмоқда.

Ёш авлод кенгаши 2002 йилда Ўзбекистон Болалар жамғармаси ташаббуси билан Халқ таълими вазирлиги, Олий Мажлиснинг Омбудсман институти ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмагида ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида ташкил этилган эди. Унинг таркиби мактаблар, коллежлар ва лицейларнинг энг яхши ўқувчиларидан иборат.

Ёш авлод кенгашининг баҳорги сессиясини очар экан, унинг етакчиси, Фарғона қурилиш коллежи ўқувчиси Сардор Абдуллаев ёшларни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардаги иштирокини кенгайтириш вазифаси бутун жамиятнинг иши бўлиб, унинг самарадорлиги кўп жиҳатдан болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий фаоллигига боғлиқ эканини таъкидлади.

Бугун Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама билимли, соғлом, маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол этиб вояга етказиш йўлида қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар эса ўз самарасини бермоқда. Буни халқаро экспертлар ҳам ўзларининг таҳлилий ҳисоботларида тасдиқламоқда. Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон болалар жамғармаси раиси И.Юсупова ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Р.Хусайний ана шу ҳақда гапирдилар.

Маълумки, таълим тизимини ислоҳ қилиш дастури нафақат унинг моддий- техника базасини яхшилаш, замонавий ўқув дастурларини жорий қилиш, замон талабларига жавоб берадиган дарсликларни чоп этиш, балки ўқув юртларида болалар ва ўсмирларнинг иқтидорини очишга ёрдам берадиган қулай руҳий ҳамда тарбиявий муҳит яратиш ҳисобидан ҳам таълим сифатини оширишни кўзда тутади. Бу борада ўғил-қизлар педагоглар билан биргаликда мактаб, коллеж ва лицей ҳаётига оид кўплаб муаммоларни ҳал этишда тенг иштирок этиши муҳим ўринга эга. Бу ҳол уларнинг Ватанимиз фаровонлиги йўлидаги келгуси меҳнат ва ижтимоий фаолияти учун мустаҳкам асос бўладиган қатъий фуқаролик нуқтаи назари ҳамда етакчилик хислатларини шакллантиришга ёрдам беради.

Унни тўйинтириш бўйича миллий дастурнинг коммуникациявий қисмини амалга оширишда иштирок этиш ҳам Ёш авлод кенгашининг ижтимоий йўналтирилган ишларидан биридир. Бу масала ҳам сессия кун тартибига киритилган. Ёш етакчиларга 2005 йилда бошланган камқонлик хасталигига қарши темир ва витаминлар билан бойитилган ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилиш орқали курашиш дастурининг мақсадларини кенг жамоатчиликка етказиш вазифаси ишониб топширилган. Улар мутахассислардан олган билимларини маҳаллалар аҳолиси, савдо ходимлари билан ўртоқлашмоқда, тегишли рисола ва плакатларни тарқатишни ташкил этмоқда.

Ёш етакчилар сессия доирасида «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича республика ишчи гуруҳи йиғилишида ҳам иштирок этдилар. Бу таклиф Ёш авлод кенгашининг олдинги сессиясида киритилган эди.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Танловлар

Намунали она

Дунёдаги жамики оналарнинг фарзандига, оиласига бўлган меҳру муҳаббати беқиёс даражада юксак ва бир хил эканлиги, шубҳасиз. Ҳеч эътибор берганмисиз, оналар байрами баҳор байрами билан узвий боғлиқ. Зеро табиатдаги бор гўзаллик нафосат аёлларда мужассам.

Мана бир неча йилдирки, Миср Араб Республикаси элчихонаси қошидаги Миср фан ва таълим маркази 8 март-Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан ҳамда ўзбек аёлларининг мамлакатимиз тараққиёти йўлида олиб бораётган самарали хизматларини тақдирлаш мақсадида Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи оналар ўртасида «Намунали она» танловини ўтказиб келмоқда. Танловда ёши 50 дан кам бўлмаган, фарзандларини жамиятга фойдаси тегадиган комил инсон қилиб тарбиялаган намунали оила бекалари бўлган оналар иштирок этдилар.

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Миср маданият маркази ҳамкорлигида «Намунали она» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Миср маданият маркази вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова сўзга чиқиб, хотин-қизларни баҳор ва Наврўз айёми билан қутлади. Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги роли ошиб бораётганлиги, ҳар томонлама ибратли оилаларимиз, оналаримиз ҳақида фахр билан сўзлади.

Тадбирда «Намунали она» танлови ғолиби деб топилган шаҳримизда истиқомат қилувчи ўн нафар аёллар ва беш нафар лидер аёлларга эсдалик совғалари ва сертификатлар топширилди. Дўстона ва шодиёна руҳда ўтган кечада янграган ўзбек ва миср халқларининг миллий куй-қўшиқлари ва жозибали рақслари тадбирга ўзгача файз киритди. Ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбир йиғилганларда унутилмас таассурот қолдирди.

Гулором ҲАМИДОВА

Алоқачиларга «Эсдалик нишон»лари топширилди

Ҳар бир қисмнинг ўз байрамлари бўлади. Дейлик, жанговар байроқ топширилган кун, қисм ташкил топган кун... Аслида гап байрамларда ҳам эмас. Ана шундай шонли, файзли кунлар тимсолида анъаналарнинг давом этиб, янгича мазмун-моҳият касб этиб шаклланаётганида.

Подполковник Мавлон Юнусов командирлик қилаётган ҳарбий қисмнинг ташкил топган куни тантанасида қатнашар эканман, байрамнинг қўшалоқ шодиёнага айланганини кўрдим. Сабаби юксак жанговар шайлиги, жанговар тайёргарликлардаги муваффақиятлари учун Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари - Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруғига кўра қисм шахсий таркиби «Эсдалик нишон»и билан тақдирланди. Буни рағбатларнинг энг қадрлиси, алоқачилар хизматига бўлган юксак эътибор, эътироф намунаси, дея баралла айтиш мумкин.

Тантана аввалида командир сўз олиб, ҳарбий қисмнинг Қуролли Кучларимиз жанговар шайлигини таъмин этишдаги, ислоҳотлар жараёнидаги, Миллий Армиямизни шакллантиришдаги ўрни, вазифаларига эътибор қаратди. Дейлик, қисм ҳарбий хизматчиларининг ҳамкорликдаги турли ўқув машғулотларида, халқаро террорчиларга қарши курашдаги иштироклларини, демакки тинчлигимиз, хавфсизлигимизни таъмин этишдаги ҳиссаларини таъкидлар экан, давлатимизнинг бунга жавобан юксак эътиборини ҳам тилга олди.

Шунингдек, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби алоқа, назорат ва компьютерлар тизими бошқармаси бошлиғи, подполковник Ўктам Аҳмедов, Қуролли Кучлар фахрийси Иван Стрелька, Миробод туман хотин-қизлар қўмитаси вакиласи Гулчеҳра Набиевалар сўзга чиқишиб, шахсий таркибни мазкур байрам билан қутлашди.

Байрам куй-қўшиқсиз татимайди. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ижодкорларининг ажойиб куй-қўшиқлари, рақслари тантанага янада шукуҳ, файз олиб кирди.

Шерзод ТОЛМАСОВ

Муносабат

Соғлигимиз ўз қўлимизда

Биз шарқ халқлари, хусусан ўзбеклар қадимдан илм-маърифатли, юксак маънавиятли ва маданиятли улуғ халқмиз, улуғ миллатмиз. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Зеро, бунинг ўз теран илдизлари бор, албатта.

Ота-боболаримиз, момоларимиз бизга ёшлигимизданоқ озодалик, покизалик, саранжом-саришталик, ҳалол ва ҳаром-ҳариш ҳақида етарли тушунчалар, маълумотлар бериб, уларни имконият даражасида ўзига хос панду насиҳатлар билан онгимизга сингдиришган. Энг асосийси, бу борада ўзлари бетакрор ибрат, намуна кўрсатишган. Ахир, қуш уясида кўрганини қилади деб, бежиз айтишмаган. Мана, улардан бизгача етиб келган ибратомуз панду насиҳатлардан айрим намуналар: "Болам, ариқдан оқаётган сувга асло туфлама, ахлат ташлама, гуноҳи азим бўлади", "Нонинг увоғини оёқости қилма, топтама, кўзинг кўр бўлиб қолиши мумкин", "Остонаси саранжом-саришта жойда фариштa бўлади", "Уйингни озода, покиза сақлайман десанг, остонангни тоза тут» ва ҳоказо.

Бу азалий ва ҳаётий тажриба, фалсафа замирида озмунча ҳақиқат борми? Ўз шахсий фикр-мулоҳазаларимни асослаш учун бир-иккита ҳаётий кузатишларимдан мисоллар келтирсам. Республикамиз, қолаверса, пойтахтимиздаги эпидемиологик вазият, аҳвол хусусида. Бу борада ҳукуматимизнинг тегишли қарорлари чиқарилган, аниқ чора ва тадбирларни бажариш белгиланган, аммо бу чора ва тадбирларни бажариш бу соҳага мутасадди, масъул ходимлар ва шахслар томонидан мавсумий тус олмоқда холос. Бу тадбирларни ўтказиш ва ҳаётга кенг жорий қилишда аҳоли фаол иштирок этмаётир. Биз ҳамон ўзибўларчилик ва бокимандалик кайфиятида яшамоқдамиз. Атроф-муҳитимиз, турар жойимиз, остонамизнинг қай даражада озода ва покизалиги билан айтарли ишимиз йўқ. Иккинчиси, одамларимизнинг аксарияти, айниқса ёшлар, уйда, кўчада, транспортда, бозорда ва бошқа жамоат жойларида ўзларини қандай тутиш, нимани қилиш мумкин ва мумкин эмаслигини билмайдилар.

Ёки, сиз хаёлан бўлса-да, ўзингиз ҳозирги кунда яшаб турган жойингиздаги ҳовли, йўлак, маҳалла, мавзедаги майдон, хиёбон, кўчага, тупроқ, ахлат, чиқиндилар ташланган ариқ, анҳорга бир назар ташланг. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, уюлиб ётган бу чиқиндилар шаҳримиз ҳуснига доғдир.

Маълумки, жойларда озодагарчилик, тозалик, саранжом-саришталикка эътибор беришда айниқса маҳалла оқсоқоллари, фаолларининг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда каттадир. Афсуски, кўп қаватли уйларда яшаётган ҳамюртларимиз ўртасида ўзаро лоқайдлик, бепарволик шу даражага етганки, ҳатто ҳамма учун умумий бўлган ҳовли, майдон, айниқса йўлакларни ўз вақтида супуриш, сидириш ҳам сансалорлик, ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Ваҳоланки, бу уй-жойлар ҳаммамизники, ўзимизники. Бинобарин, юрт ташвиши билан ҳамнафас бўлишдек эзгу ишларни биргаликда, ҳамжиҳатликда олиб боришимиз лозим. Шу билан бирга кўп қаватли уйларда яшовчи, айрим ит, мушук боққан хоним ва жанобларнинг ҳам баъзи хурмача қилиқ ва одатларидан ўз вақтида воқиф бўлиш, улар томонидан жамиятимиздаги мавжуд қонун ва қоидалар талабларининг сўзсиз бажарилишига эришиш ҳам кўпчиликнинг иши.

Ҳамон "Элимиз саломатлиги — юрт бойлиги" экан, сиҳат-саломатлигимизни асраш ва авайлаш, жамиятимизни янада мустаҳкам ва соғлом қилиш ўз қўлимиздадир. Шундай экан, ўзимиз яшайдиган уй-жойимиз, ҳовлимиз, остонамизни озода, саранжом-саришта қилайлик.

Искандар РАҲМОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси





Тадбирлар

Шодиёна этади давом

Фасллар келинчаги баҳор ўзининг фусункорлиги, дилраболиги билан ажралиб туради. Барча туркий халқлар орзиқиб кутадиган — Наврўз шодиёнасининг айнан кўклам нафаси уфуриб турган кезларда нишонланиши ҳам халқимизнинг ўзига хос миллий қиёфага эга эканлигидан далолат беради.

Ана шундай шукуҳли кунларда фидокорона меҳнатлари учун ҳар бир соҳа ходимларини қутлаш, муборакбод этиш йилдан йилга анъана тусига кириб бормоқда. Куни кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ҳамда тадбиркорлар марказий касаба уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Республикамизнинг йирик муҳташам санъат кошонаси ҳисобланмиш қутлуғ даргоҳга соҳа ходимлари, таниқли санъаткорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилди.

Байрам иштирокчиларини самимий қутлаш учун Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Тошкент шаҳар савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш департаментининг бошлиғи Равшан Абдумажитов, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Садриддин Ҳакимов, «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасининг раиси Ҳусан Содиқов, Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Чори Шодиевлар сўзга чиқишиб, ўзларининг самимий тилакларини билдиришди.

Шундан сўнг ҳар бир соҳа ходимлари узоқ йиллик фидокорона меҳнатлари, иш фаолиятидаги ютуқлари учун ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Биз имкониятдан фойдаланиб, тақдирланганлардан бирини суҳбатга тортдик.

— Бир неча йиллардан бери уй-жой коммунал ширкати соҳасида фаолият юритиб келаман, — дейди Учтепа тумани «Бирлик-сервис» уй-жой мулкдорлари ширкати кадрлар бўлими нозири Муҳайё Исломова. — Бугун меҳнатларим эвазига қимматбаҳо совға билан тақдирландим. Эндиликда имкон қадар ширкатимизнинг иш фаолиятига ўз ҳиссамни кўпроқ қўшишга ҳаракат қиламан.

Завқли, шунинг баробарида мароқли ҳордиқ чиқаришга нима етсин. Бу ҳақиқатни яхши билган театр жамоаси йиғилганларга совға сифатида таниқли драматург Эркин Хушвақтов қаламига мансуб «Андишали келинчак» спектаклини намойиш этишди. Мароқли дам олиш онлари томошабинларда илиқ таассурот уйғотди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

СУРАТЛАРДА: тақдирлаш маросими ҳамда спектакль намойишидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

2006— Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Меҳр қуёши чарақлаган кун

Эзгулик, меҳр-оқибат, қадр-қиммат айёми — Наврўз байрами кўнгилларга ёруғлик, илиқлик, эртанги порлоқ кунларимизга катта ишонч уйғотди. Қадри баланд ушбу кунларда кўмакка муҳтож, қаровчисиз, ногирон, кексаларга беминнат моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди. Қанчадан қанча савобли юмушлар хайрия, ҳашар йўли билан амалга оширилди.

Сўнгги йилларда кундан-кунга чирой очиб, энг обод ва ораста гўшалар қаторидан ўрин олиб бораётган шаҳримизнинг энг кенжа туманларидан бири бўлган Сергели туманида ҳам эзгу ва хайрли юмушлар, савобли амалларга қўл урилмоқда. Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, туман ҳокимлиги томонидан ҳар йили анъанавий тарзда кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйлари катта байрам дастурхони атрофида совға-саломлар улашиб, тўй саруполари кийдирилиб ўтказиб берилмоқда.

— Бу йил ҳам 266 нафар болаларнинг суннат тўйларини катта тантана билан ота-оналари иштирокида ўтказиб бердик, — деди биз билан суҳбатда туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Холхўжа Умаров. — Болаларнинг 30 нафари Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги кам таъминланган оила фарзандларидир. Бугунги кунда тўйлари ўтказиб берилган болалар сони 841 нафарга етди. Биз туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ҳар бир байрамда имкон борича аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Масалан, «Меҳрибонлик акция»лари ўтказилиб 3 миллион сўмлик совға-салом, озуқа пакетлари, кийим-бошлар боқувчисини йўқотган, қаровчисиз қолган кекса ва ногиронларга топширилди. Ҳайит байрами арафасида эса 1 тонна миқдоридаги озуқа маҳсулотлари тарқатилди.

Куни кеча туманнинг энг шинам «Бахт уйи» кошонасида бўлиб ўтган катта байрам тадбирида куй-қўшиққа уланди, дилбар наволар бахтдан, эътибор ва меҳрдан яйраган барчани даврага чорлади. Жажжигина тўй болаларнинг кўзидаги қувончни кўриб беихтиёр мана шундай савобли юмушлар бошида туриб одамларга меҳр, муҳаббат улашиб, икки дунё саодатига эришиш йўлини тутган ҳазрати инсонларга омад ҳеч қачон сизлардан юз ўгирмасин, соғ-омон бўлинг дегимиз келди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Оила —муқаддас даргоҳ. Оиланинг тинчлиги, тотувлиги аёлларга боғлиқ эканлиги эса ҳеч кимга сир эмас. Шу боис ҳам ҳаёт боғининг гуллари бўлмиш қизларнинг оқила, ораста, зукко, билимдон, пазанда бўлиб вояга етишлари йўлида «Камолот» ЁИҲ ва унинг туманлардаги бўлимлари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар албатта самара беришига ишонгимиз келади.

Зукколар беллашуви

Куни кеча Марказий офицерлар уйида «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман бўлими Кенгаши, «Маҳалла умидлари» маркази ҳамкорликларида маҳаллаларда истиқомат қилаётган иқтидорли қизлар ўртасида уюштирилган «Маҳалланинг намунали қизи» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

Қизларни мустақил ҳаётга тайёрлашга кўмак бериш мақсадида уюштирилган ушбу кўрик-танловда «Аҳилобод», Жомий, Нодирабегим, «Турон», «Туркистон» маҳаллаларининг саралаш босқичида ғолиб чиққан қизлар: Ширин Абдуллаева, Нафосат Сулаймонова, Дилафрўз Султонова, Нозима Ҳошимова ҳамда Зилола Юнусхўжаевалар ўзаро беллашдилар.

— Сир эмаски, оиланинг устуни эркак бўлса, оиланинг зийнати аёлдир. Оиланинг тинчлиги ҳар жиҳатдан аёл кишига боғлиқ, — дейди «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман бўлими Кенгаши «Маҳалла умидлари» маркази раҳбари Гулбаҳор Азимова, — мустақил ҳаёт остонасига қадам қўяётган қизларга кўмак бериш эса «Камолот»чиларнинг вазифаси. Ўйлаймизки, ушбу кўрик-танлов бугунги тадбир иштирокчилари ёдида узоқ вақт сақланади.

Дарҳақиқат, «Таништирув», «Мазали таом тайёрлаш менинг бурчим», «Спорт», «Гўзаллик — аёл зийнати» ҳамда «Алла» деб номланган шартлар бўйича уюштирилган ушбу кўрик-танлов иштирокчиларининг маҳорати, билими ҳакамлар ҳайъатини ҳам, устозлару тадбир меҳмонларини ҳам ҳайратга солди. Қизлар маҳаллалари тарихини билиш билан бирга спорт йўналишида ҳам бир-бирларидан асло қолишмасликларини исботлашди. Дарвоқе, соч турмаклаш ҳам ҳар бир иштирокчи қизнинг севимли машғулотларидан бири эканлиги «Гўзаллик — аёл зийнати» шарти якунида яққол билинди.

Танлов якунида мутасадди ва ҳакамлар ҳайъати томонидан Жомий маҳалласида яшовчи Нафосат Сулаймонова ғолиб деб топилди ва у «Маҳалланинг намунали қизи» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида Юнусобод тумани шарафини ҳимоя қиладиган бўлди. Кўрик-танлов қатнашчиларига «Камолот» ЁИҲ туман бўлимининг эсдалик совғалари топширилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Хоҳ ишонинг...

Илон йўқолди

Бу воқеанинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилигига гоҳ ишониб, гоҳ ишонмасдан келардим. 1960 йиллар эди. Эмишки, илгари қорақамишда жойлашган илонларнинг заҳри олинадиган «бир ташкилотдан бир метрли илон йўқолди, эҳтиёт бўлинг» деган шов- шув гаплар тарқалган. Аммо бир неча йиллар ўтиб кетса ҳам, йўқолган илоннинг топилгани тўғрисида ҳеч гап эшитмадик. Лекин...

1970 йилда маҳалладошимиз Бузрук тўра ота бир воқеани айтиб берган эдилар: «2 гектар ерга қовун экиб, эрталаб полизга сув тарадим. Эртаси қоқ пешин вақтида келсам ҳамма ариқ оёқлаган-у битта арикдан сув чиқмаган, ҳайрон бўлиб шу арикдан боравердим, ариқнинг ярмига келганда сув пушталарга тошиб, ариқ ичини бир нарса тўсиб ётибди. Яқинроқ бордим, орамиз 4-5 метр келади. Менинг шарпамни сездими бир нарса бошини кўтариб тилини ўйнай бошлади. Не кўз билан кўрайки даҳшатли илон.

Мен ўзимни йўқотмадим-да арикдан пуштага чиқдим ва чўк тушиб дуо билан қайтара бошладим, у ҳам мени аврар эди. Бир соатдан кўпроқ бир-биримизни аврадик, бир ёқда куннинг қиздириши бўлса, иккинчи томонда илоннинг авраши менинг силламни қуритди, аммо қимир этолмасдим. Бир вақт менинг ўқиган дуоларим таъсир қилдими илон бошини туширди. Шунда — Эй жонивор, энди индамай, кетавер, дедим. У эса аста чўзила бошлади, ёпирай, илон ҳам шунчалик катта бўладими дея ҳамон дуо ўқийман. У шундай ёнимдан ўтиб ариқ ичидан кетди... У балки бир неча йил илгари йўқолган илондир, ким билади...

Ўлмас НОРМАТОВ

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ақл ва ҳушёрлик қабиласининг саркардаси, равнақ ва нажот майхонасининг соф мойидан ичувчиси шундай кишики, меҳр-муҳаббат асари билан умумхалқнинг роҳат оғзини ширин қилади. Фард:

Асорат айлагай зеру-забар тинчлик асосини,
Вале бечоралар оҳи зулмни қилгуси барбод!
Бархурдор ибн МАҲМУД

Кимки халққа қандай муомалада бўлса, халқ ҳам у билан шундай муомалада бўлади.

«ОТАЛАР сўзи»

Ўз гуноҳингни сўраб элдин ўтин,
Нафрат ўти ичра бўлмасдин ўтин.
Анбар ОТИН

Яхши ҳаёт ва узоқ яшаш учун халқнинг дуоси ва шодлигидан кўра яхшироқ посбон ва қўриқловчи йўқ. Фард:

Бечоралар нафратидан эмин бўл,
Бир лаҳзада барбод қилур оламни!
Бархурдор ибн МАҲМУД

Ватанни шод этиш учун кўп қайғуринг.

Дилшоди БАРНО

Пишай десанг, сафар қил. Сафарда беш фойда бор: кўнгил ёзиш, куч тўплаш, мол йиғиш, илм ва одоб ўрганиш, доно кишилар зиёратида бўлиш.

«ОТАЛАР сўзи»

Кел эмди, Собиро, азми сафар қил,
Неча кун сайр тоғу баҳрубар қил.
Ватаннинг кулфатин токай чекарсан,
Ютарсан тобакай хуни жигар сан.
САЙҚАЛИЙ

Сафардан кўп тажрибалар ҳосил бўлади ва беҳисоб фойдалар қўлга киради, деб эшитган эдим мен. Менда ўша тажрибалар ҳосил бўлди. Энди то ҳаёт эканман, бошқа сафар қилиш ҳақида ўйлайман.

Байт:

Ғарибликни энди ҳавас қилмайман,
Дўстлар дийдори-ла бўлиш кўп хушдир.
Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Одамнинг яхшиси сафарда билинади.

«ОТАЛАР сўзи»

Азизим, сафардан кўпгина тажрибалар ва беҳад фойдалар юзланади. Кўрмайсанми осмон доимо айланиб тургани учун ҳамма нарсадан юқори, ер эса бир ерда тургани учун ҳар қандай нокас оёғи остида хор.

Байт:

Уйида юраги ғуссага тўлган
Кишига ҳаммадан яхшиси сафар.
Сафарким қанчалар оғир бўлмасин,
Уйда сиқилишдан яхшию, беҳтар!
Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Ватан сориға еткурдим қадамни,
Кўнгулга сабт этиб сонсиз оламни.
ХУРРАМИЙ

Ҳаёт лаззати— саёҳат!

«ОТАЛАР сўзи»

Азизим, ғурбат алами сенинг вужудингга етгани ва айрилиқ гармсели гулшанинг сари эсгани йўқ. Сафар шундай дарахтки, фироқдан ўзга мева қилмайди, ғариблик эса шундай булутки, ғам ёмғиридан ўзга томчиларни ташламайди. Йўл азоби— гўр азоби деганларидек, ҳақиқатан ҳам у дилни куйдирувчи бир шуъладирки, жигарни пора қилади. Демак энг яхши йўл шуки, кишининг азиз дўстлари бўла туриб, улардан сафарни устун қўймайди, натижада оху фироқ ёшидан иборат бўлган ёру диёр айрилиғини ихтиёр этмайди. Чунончи, айтадилар:

Ватанни тарк этмоқ ҳазил иш эмас,
Бу иш учун ҳар ким тоб беравермас!
Жудолик дарахтдир барги йўқ, ёлғиз,
Барги бўлса ҳамки, аммо мевасиз,
Бугун айриликдан юрагим гирён,
Азиз ёрни қўлдан чиқариб ҳайрон.
На кўзда уйқу бор, на дилда роҳат,
Азоб ўти барин айламиш ғурбат!
Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Тарк эт бу ватанни, кўргил они,
Уд ўз ватанида бир ўтундир.
БАЁНИЙ

Айрилиқ ўти жаҳаннам ўтидан кучли,
Айрилиқ ўлимдан ёмон.
«ОТАЛАР сўзи»


Элу халқимдин айрилдим,
Оташи ҳижрона тушдим.
РИЗОИЙ

Хуштур кишига бўлса муқим ўз ватанида
ОТОЙИ

Ватан надир, туққан ерим, турғон ерим,
Ўсиб-униб, ўйнаб-кулиб юрган ерим.
Ватан менга ҳақиқатан қўндоқ каби,
Тарбиянинг негизини қўрғон ерим.
Сидқий ХОНДОЙЛИҚИЙ

Ўтар кунлар, ўтар замон,
Эй ватаним, бўлма хижрон!
Мен кетсам-да сен бўл омон!
Омон—Ватан, Ватан— омон.
АВЛОНИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган





ЗАМОНАВИЙ ПЛАКАТЛАР КЎРГАЗМАСИ

АЙНИ КУНДА ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ МАРКАЗИДА ЯПОНИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ЗАМОНАВИЙ ПЛАКАТЛАР ОРҚАЛИ ЯПОНИЯНИ КАШФ ЭТИБ» КЎРГАЗМАСИ ҲАМ 39 НАФАР ЗАМОНАВИЙ ЯПОН ГРАФИК-ДИЗАЙНЕРЛАРИНИНГ 75 ТА ПЛАКАТИНИ НАМОЙИШ ҚИЛМОҚДА.



Кўргазмани ташкил этишдан асосий мақсад ҳам Япония ҳаётини замонавий плакатлар орқали нафақат реклама воситасида, балки ижтимоий санъат элементи сифатида кўрсатишдан иборатдир. Намойиш қилинаётган плакатларнинг мавзуси турлича бўлиб, анъанавий санъат, хаттотлик, замонавий дизайн, турли кўргазмалар рекламаси, кино, театр спектакллари, танловлар, спорт мусобақалари, фирмаларнинг фаолияти, клублар ва албатта Японияда ўтказилган «ЭКСПО-2005» кўргазмасининг муҳим мавзуларидан бири — экология масаласини олиб чиққан.

Замонавий плакатларнинг бадиий ечими анъанавий япон маданияти билан узвий боғлиқ бўлиб, буни томошабин ҳам тезда ҳис қилади. Нозик ифодали, композицион ечимдаги оддийлик ва нафислик, ранг гаммаларидаги уйғунлик, тасвир маконининг очиқ ва тўлдирилган мувозанати, ҳарф ва ҳуснихат гўзаллиги бевосита янги компьютер ва полиграфия технологияларидан унумли фойдаланиш ила эришилди. Ҳар бир плакат ўзига хос муҳим эстетик ансамблни намоён қилади.

Экспозиция учун танланган экспонатлар ҳар йили 20 дан ортиқ турли кўргазмаларни расмий япон ташкилотлари орқали бутун дунё бўйлаб ташкил қилинаётган Япония жамғармаси буюртмаси билан Япония график-дизайнерлари Ассоциацияси ва япон рассомлари томонидан танланган. Япон маданиятини турли аспектларда намойиш қилувчи шу каби кўчма кўргазмалар ижобий натижаларни бермоқда.

Замонавий Санъат марказидаги япон плакатлари кўргазмаси давомида томошабинлар Ўзбекистондаги Япония элчихонаси томонидан тақдим этилган анъанавий япон амалий-безак санъати намуналари ва Япония маданияти ҳақидаги видеофильмлар намойиши билан ҳам танишадилар.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: замонавий плакатлар кўргазмасидан лавҳалар.
В.Гранкин олган суратлар

Футбол

АЗАЛИЙ РАҚИБЛАР БЕЛЛАШДИ

ЎТГАН КУНИ ЎТКАЗИЛГАН «ПАХТАКОР»—«НЕФТЧИ», «БУХОРО»—«МАШЪАЛ» УЧРАШУВЛАРИ БИЛАН МАМЛАКАТ XV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 3-ТУР БАҲСЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.

Шуни таъкидлаш жоизки, азал-азалдан мамлакатимизнинг икки етакчи жамоаси «Пахтакор» — «Нефтчи» ўртасидаги беллашув доимо қизиқарли, муросасиз курашлар остида ўтган. Мутахассислару мухлислар бу сафар ҳам ҳар икки жамоадан муросасиз, шиддатли ўйин кутишгани табиий. Аммо, чемпионликни қўлдан бермай келаётган пахтакорчиларнинг маҳорат бобида фарғоналиклардан яққол устун эканликлари сезилиб қолди. Дастлабки гол меҳмонлар дарвозасига иккинчи дақиқадаёқ киритилди. Клецков рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб ўз жамоасининг ҳисобда олдинга чиқиб олишини таъминлади. Қизиғи, майдон эгалари голдан кейин ҳам ҳужумни асло сусайтиришмади. Аксинча, чиройли комбинациялар, дарвоза томон уюштирилаётган шиддатли ҳужумлар Саркисян шогирдларини саросимага солиб қўйди чоғи, учрашув якунлангунга қадар меҳмонлар ўз дарвозаларидан яна иккита тўп ўтказиб юборишди. Мухлисларга лаззатли онларни ҳадя этган тўпларни рақиб дарвозасига Тожиев ва Жепаров киритишди.

Бухорода ўтказилган «Бухоро» — «Машъал» беллашувида меҳмонларнинг қўли баланд келди. Мубораклиларнинг тўлиқ устунлиги остида кечган учрашув 3:0 ҳисобида якунланди.

Мамлакат XV миллий чемпионатининг 4-тур баҳслари 1 апрелда бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2006-2007 ЙИЛГИ ИСИТИШ МАВСУМИГА СИФАТЛИ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ МАҚСАДИДА 2006 ЙИЛНИНГ 4 ДАН 20 АПРЕЛГАЧА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИ ИССИҚ СУВ БЎЙИЧА ЧЕКЛАМАГАН ҲОЛДА ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ МЕХАНИК ЧИДАМЛИККА ВА ЗИЧЛИК (ЮҚОРИ БОСИМГА)КА СИНОВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

1-ИМ(М-1) 7апрель куни — акад Ҳ. Абдуллаев, Рахматуллин, Ж.Обидова, Ф.Хўжаев, Мўминов, Муҳитдинов кўчалари, Яланғоч, Бўз-1 (Черданцев-1) турар жой мавзелари, ТошГРЭС қўрғони.

1-ИМ (М-4) 4 апрель куни — Буюк Ипак йўли, акад. Ҳ. Абдуллаев, Рахматуллин, Доғистон, Сайрам, Оққўрғон, Эргашев, Пушкин, Ф.Хўжаев, Муҳитдинов, Ғ.Мавлонов, Ҳ.Олимжон кўчалари, Тошсельмаш, Пушкин-Пишпек, Чизельный, Пушкин-Салор, ген.Петров турар жой мавзелари, Ҳ.Олимжон майдони.

2-ИМ 12 апрель куни — Т.Малик, Иркутск, Матқобулов, Ш.Бурҳонов, Қодиров кўчалари, Қорасув 1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 (Черданцев) турар жой мавзелари Геофизиклар қўрғони.

3-ИМ 18 апрель куни — Беруний, Ўзбекистон, Ниёзов, А.Хўжаев, Фурқат, ген. Узоқов, Самарқанд дарвоза кўчалари, Навоий, Абай, Халқлар Дўстлиги, Космонавтлар шоҳ кўчалари, Чорсу, Қоратош, Беруний, Олмазор, Бешёғоч, Ц-10,14,11, Ц-26,27,28, Б-1, Б-2, Б-3 турар жой мавзелари.

4-ИМ (М-0) 13 апрель куни — А.Темур, Ҳ.Асомов, Эргашев,Ғ.Мавлонов, Муртазоев, Хуршид, Ж.Обидова, Бодомзор, Шаҳристон, А.Зокиров, Ҳ.Олимжон, Пушкин кўчалари, Ц-5,6 мавзелари, Ҳ.Олимжон майдони.

4-ИМ (М-1) 13 апрель куни — Ҳасанов, Ғ.Ғулом, Шамсутдинов, Бобожонов, Хуршид, А.Қодирий, А.Ҳидоятов кўчалари, Ц-17,18 (Себзор), Тахтапул, Ц-12,13,15; Қорақамиш 1/1, 1/2,1/3, 1/4 мавзелари.

4-ИМ (-4,8) 19 апрель куни — Юнусобод мавзеси 1-19-даҳалар, Бодомзор, А.Темур, Кайманов, А.Дониш, Муродов, Юнусобод, Соҳибкор, Ж.Обидова, Шаҳристон, А.Зокиров, кўчалари.

5-ИМ 4 апрель куни — Чилонзор мавзеси 6-12, Ц Г9а, 16—20 А, 26-даҳалар, Дўмбиробод, Оқтепа, Қизил шарқ, Гулистон мавзелари, Заргарлик, Я.Купала, Муқимий, Фарҳод, Чўпонота, С.Мираҳмедов, Наққошлик, Новза, Қозиробод кўчалари.

6-ИМ 6 апрель куни — Мунис, У.Олимбеков, Бехтерев, Янгизамон, А.Фитрат, Фарғона йўли кўчалари, Қўйлиқ — 1-7, Қўйлиқ-айланма йўл мавзелари.

7 –ИМ 20 апрель куни — Лисунов, Шолохов, Бирлашган, Элбек, Слоним кўчалари, Гўзал-1,2,3,4, УҚК-1, Слоним-1, 2 мавзелари, «Авиақурувчилар» шаҳарчаси ҳудуди.

8-ИМ 19-апрель куни — Сергели-18 А, Спутник-8, 15,16,17, Дўстлик-1,2 мавзелари.

9-ИМ 13 апрель куни — Чилонзор мавзеси 13-15, 15А, 21дан 24,30,31 гача бўлган даҳалар, Қизил шарқ, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч мавзелари, Ҳ.Турсунқулов, Раҳимбобоев, Ширин, Лутфий кўчалари.

10-ИМ 6 апрель куни — Форобий, Беруний Мухбир, Мирзо Ғолиб, Чимбой, Қамарнисо, Шифокорлар, Талабалар шаҳарчалари, Жарариқ, Қорақамиш-2/2, 2/3, 2/4, 2/5, Тансиқбоев-1,2,3 мавзелари.

ИЭМ (М-0) 14 апрель куни — Бобур, У.Носир, С.Мираҳмедов, Арнасой, Ш.Исломов, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, Ц- 7, Рашидов шоҳ кўчаси, Чилонзор мавзеси 1,2,3,4,5,Е,И даҳалари.

ИЭМ (М-5,8) 11 апрель куни — Бобур, Глинка, Афросиёб, А.Тўқай, Нукус кўчалари, Ц-1, Ц-2, Ц-4, Ц-5 мавзелари, Моваруннаҳр, Лоҳутий, Т.Шевченко, Шаҳрисабз, Локомотив, Ҳ.Умаров кўчалари, Қушбеги, Бошлиқ, Авиашаҳарча мавзелари.

«Водник» қозонхонаси

20 апрель куни — «Водник» мавзеси, Ҳ.Бойқаро кўчаси.

«ТТЗ» қозонхонаси

5 апрель куни — «ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий мавзелари, Аҳиллик, Буюк Ипак йўли, Гулсанам, Белоножко кўчалари.

14 апрель куни «Саноатэнерго» таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

«Саноатэнерго» қозонхонаси 14 апрель куни — «Строитель» мавзеси

Қувурлар шикастланиши, кўчанинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлкаларига иссиқ сув сачраши ва тошиши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалардан эҳтиёт бўлишларини сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезишингиз билан 361-32-32 телефонига хабар беришингизни сўраймиз.

Мунажжим башорати

ФАОЛ ҲАРАКАТЛАР САМАРАЛИ БЎЛАДИ

31 МАРТ, ЖУМА

МУНАЖЖИМЛАРДАН ЛИДИЯ НЕВЕДОМСКАЯ, М. СМИРНОВА, СВЕТА ДЕНЬ ВА БОШҚАЛАР БУГУН ФАОЛ ҲАРАКАТЛАР, ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИК КУНИ ДЕГАН ФИКРДА ЯКДИЛЛИК БИЛДИРИШГАН. УЛАРНИНГ БИРИ КУНДАЛИК ИШЛАРДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА УРҒУ БЕРСА, ИККИНЧИСИ УЙДА ҲАМ, ИШДА ҲАМ БОШҚА НАРСАЛАРГА ЧАЛҒИМАЙ ИШИНГИЗНИ ДАВОМ ЭТТИРИШНИ МАСЛАҲАТ БЕРАДИ.

Яна бири фаол ва дадил ҳаракат қилинг, тижорат ишлари билан, харидлар билан, умуман молия ва қимматли қоғозлар билан боғлиқ барча амалиётлар билан шуғулланинг, дейди. Шунингдек, улар бугунги кундан расмий ташрифлар, музокара ва мулоқотлар учун, битимлар тузиш ва шартномаларни имзолаш учун фойдаланишни маслаҳат беришади.

Кун аломатларига эътибор қилинг: бугун харид қилган буюм йиртиладиган ёки синадиган бўлса – савдо-сотиқ пайтида ҳушёрроқ туриб, алданишдан эҳтиёт бўлишингиз керак бўлади. Мабодо, бир неча бор исмингизни айтиб чақиришса, бирон нарсани ният қилсангиз, у амалга ошади.

Бугун овқатлар тановулида меъёрга риоя қилиш ва шамоллашдан сақланиш керак.

Бошдан-оёқ янги ва тоза кийимлар кийиш тавсия этилади. Сариқ, ҳаворанг ва кўк-яшил ранглар ҳамоҳанглигидаги либослар бугунги кун руҳига кўпроқ мос келади.

ИЧИМЛИК СУВ БОСИМИНИНГ ПАСАЙИШИ ҲАҚИДА

Катта ҳажмли сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилиши, шунингдек, 2006 йил баҳорги-ёзги мавсумга тайёргарлик кўриш муносабати билан ДУК «Сувсоз» трести истеъмолчиларга ичимлик сув босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:

3 апрель соат 9.00 дан 4 апрель соат 9.00 гача

1. С.Раҳимов тумани: «Чиғатой-Оқтепа» маҳалла, «Олимпия» мавзесида — сув босими пасаяди.

2. С.Раҳимов тумани: ТошМИ, Хўжаев, ТошПИ-ТошГУ, Шифокорлар шаҳарчаси мавзеларида ва «Беруний» маҳалласида сув бўлмайди.

5 **апрель соат 9.00 дан 6 апрель соат 9.00 гача**

1. Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб, Мироқилов, Воҳидов, Жийвазор ва уларга туташган кўчаларида—сув бўлмайди.

6 апрель соат 9.00 дан 7 апрель соат 9.00 гача

1.Учтепа тумани: «Пахтакор», «Оқтепа», «Журжоний» маҳаллаларида — сув бўлмайди

10 апрель соат 9.00 дан 11 апрель соат 9.00 гача

1.Юнусобод тумани: «Жомий» маҳалласида, М.Турғунбоева ва унга туташган кўчаларида — сув бўлмайди.

13 апрель соат 21.00 дан 14 апрель соат 6.00 гача

1.Миробод тумани-умумий босим пасайиши, Ҳамза туманида қисман, М.Улуғбек тумани: Асака, Ҳ.Олимжон ва уларга туташган кўчаларида — сув босими пасаяди.

2.Ҳамза тумани: Ш.Рашидов маҳалласида ва Машҳадий кўчасида — сув бўлмайди.

17 апрель соат 9.00дан 18 апрель соат 9.00 гача

1.Учтепа тумани— умумий сув босимининг пасайиши, Чилонзор туманида қисман пасаяди.

2. Учтепа тумани: Фурқат, Ўткир, Дархон, Раҳимбобоев кўчалари, Карвон бозор, Ўрикзор, Мустақиллик мавзеларида— сув бўлмайди.

19 апрель соат 9.00 дан 20 апрель соат 9.00 гача

1.Юнусобод тумани: 4,5-даҳаларда-сув босими пасаяди.

2.Юнусобод тумани: 11-даҳа, «Кулол-Қўрғон» маҳалласида-сув бўлмайди.

24 апрель соат 9.00 дан 24 апрель соат 21.00 гача

1.Чилонзор тумани: 16,20,20а даҳаларида, Ш.Ғуломов, «Мевазор» маҳаллаларида сув босими пасаяди.

25 апрель соат 9.00 дан 26 апрель соат 9.00 гача

1.Миробод тумани: «Бехтерев», «Янгизамон» мавзеларида, Фетисов ва унга туташган кўчаларда— сув бўлмайди.

26 апрель соат 9.00дан 27 апрель соат 9.00 гача

1.Сергели тумани: Сергели 1 дан 8-мавзесигача, Спутник 1дан 16 чи мавзеларда—сув босими пасаяди.

1 май соат 9.00дан 2 май соат 9.00 гача

1.М.Улуғбек тумани: ТТЗ-1, Югнакий мавзеларида, Буюк Ипак йўли кўчасида-сув бўлмайди.


3 май соат 9.00дан 4 май соат 9.00 гача

1.Яккасарой тумани: Чопон-ота, Фарҳод, Саломатин, У.Носир кўчаларида, Абдуллаев мавзеси.

Чилонзор тумани: 1,2,3,4,5 даҳаларда, Чопон-ота, Фарҳод, Наққошлик ва уларга туташган кўчаларда-сув бўлмайди.

Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомашиналар юборилади.

Маълумот учун телефонлар: 133-15-95; 133-75-95; 152-60-08.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 506

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4147 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6